

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ;

2025 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режасини **100 млн.доллар**.

2025 йилда **5 та** манзилли шакллантирилган корхоналар ҳисобига **66 млн.доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилади.

Жорий йилнинг 6-ойлик даврида жами **35 млн.АҚШ** доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

“**Менги текстил**” МЧЖ ХК томонидан умумий қиймати **7,0 млн.доллар**лик мато буяш лойиҳаси.

“**Жингфенг салар**” МЧЖ ХК томонидан умумий қиймати **35 млн.доллар**лик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳасида қурилиш ва ускуналарни монтаж ишлари олиб борилмоқда.

“**Бао лонг халқаро**” МЧЖ ХК томонидан умумий қиймати **9,0 млн.доллар**лик балиқчилик озуқа ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳасида қурилиш ва ускуналарни монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Истиқболли лойиҳалар;

“**Тианчен стон айрен**” компанияси томонидан умумий қиймати **36 млн.доллар**лик арматура ишлаб чиқариш лойиҳаси Мирзо Улуғбек маҳалласидан **12 гектар** ер майдонида танланган ва аукцион савдоларига чиқарилмоқда.

“**CHINA HONGYUN MINING**” МЧЖ томонидан биринчи босқичида умумий қиймати **10 млн.доллар**лик **пардозбоп гранит** маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

Хитойлик инвестор томонидан умумий қиймати 20 млнАҚШ долларлик пахта кластери ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Инвестор июн ойининг 12 куни туманга ташриф давомида ўзлаштирилмаган ер майдонида пахта ер экиш учун ер майдони танланади ҳамда қайта ишлаш завод ер участка майдони аукционга чиқарилади.

Шунингдек, инвестор томонидан Мирзо Улуғбек маҳалласи ҳудудидан **70 гектар** ер майдони танланган бўлиб, умумий қиймати **15 млн.доллар**лик **гранитни қазиб олиш ва қайта ишлаш** лойиҳасини амалга ошириш бўйича танланган ер майдонини туман заҳирасига қайтариш ва ер фондини тоифасини ўзгартириш бўйича тегишли ишлар бошланган.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикасида хизмат сафари давомида туман ҳокими ўринбосари томонидан Ченду провинциясида хитойлик тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, умумий қиймати **50 млн доллар** бўлган, **5 та** лойиҳалар амалга ошириш бўйича музокаралар ўтказилди.

Ҳозирда ушбу лойиҳаларни амалга оширишда ижтимоий тармоқлар орқали Хитойлик инвесторлар билан мулоқатлар ўтказилиб, туманга ташрифи бўйича суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, Хитойнинг савдо саноат палатаси вакили билан мулоқат ўрнатган ҳолда Хитойлик тадбиркорларини туманга ташрифи босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мисол учун,

1. Боғдорчилик ривожлантириш (олма) лойиҳасини амалга ошириш бўйича Циан шаҳридаги Хитой компанияси (Shaanxi Longchi Hai Intelligent Energy Technology Development Co., Ltd.) томонидан **5,0 млн.доллар**лик лойиҳани амалга ошириш бўйича инвесторларни декабр-январ ойларида туманга ташрифи белгиланган.

2. Мебел ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Хитой компанияси (Chairman of Innovation Education Group (Shaanxi) Co., Ltd) томонидан **5,0 млн.доллар**лик лойиҳаси.

3. Иситиш катёллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Хитой компанияси (Shaanxi Huantong Standard Boiler Co., Ltd) томонидан **10 млн.долларлик** лойиҳаси.

4. Лифт ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Хитой компанияси (Fuji elevator Co., Ltd) томонидан **15 млн.долларлик** лойиҳаси.

5. Шиша ва қуёш панели ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Хитой компанияси томонидан **15 млн.долларлик** лойиҳаси.